

**“ALYANS AUTO” MASЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ  
СОВГАЛАР ВА МЕЎМОНДУСТЛИК ХАРАЖАТЛАРИ БЎЙИЧА  
СИЁСАТИ**

**Тошкент 2025-йил**

## 1. Сиёсатнинг мақсади.

Ушбу сиёсатнинг мақсади – “ALYANS AUTO” АЖ (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) да совғалар ва меҳмондўстлик таклифларини олиш ёки беришда шаффофлик, адолат ва юқори етук меъёрларга риоя қилишни таъминлаш ҳамда коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва ноқонуний таъсирларнинг олдини олишдан иборат.

Сиёсат Жамият ходимлари ва учинчи томонларни совғалар ёки меҳмондўстлик шаклидаги ҳар қандай алоқаларини халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, ички қоидалар талабларига мувофиқлаштиради. Ушбу талаблар компаниянинг ишончли ва масъулиятли бизнес жараёнларини ривожлантириш, унинг обрў-эътиборини сақлаш ва ҳимоя қилишга хизмат қилади.

## 2. Тадбиқ этиш доираси.

Ушбу сиёсат Жамият ходимлари ва учинчи томонлар билан бўлган муносабатлардаги совғалар бериш, улардан олиш ва меҳмондўстлик кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларга тадбиқ этилади.

Жамият томонидан ходимларига меҳнат натижалари учун рағбатлантириш, мукофотлаш, эсдалик совғаларини бериш чораларини кўриш ушбу сиёсат доирасига кирмайди ва уларни қабул қилиш учун қўшимча рухсат талаб этилмайди.

## 3. Асосий тушунчалар.

- **Совға** - дўстлик ва миннатдорлик белгиси сифатида ихтиёрий берилган ҳар қандай турдаги моддий, номоддий бойликлар ва хизматлар.
- **Меҳмондўстлик харажатлари** - ушбу харажатларга меҳмонларни қабул қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва улар билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш учун қилинган сарф харажатлар (овқатлантириш, транспорт, яшаш жой билан таъминлаш) ва кўнгилхушлик тадбирларига қилинадиган сарфлар (маданий, спорт, мусиқий, театрлаштирилган томошалар ва шу каби тадбирлар) киради. Шартнома ёки бошқа келишувлардан келиб чиқадиган харажатлар бундан мустасно.
- **Давлат органи** – давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатида киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма.
- **Давлат фуқаролик хизмати лавозими** – давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозим.
- **Давлат фуқаролик хизматчиси** – давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

- **Давлат иштирокидаги ташкилот** - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилот.

- **Сиёсий партия** - Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муаян қисмининг сиёсий иродасини рўбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси.

- **Халқаро ташкилот** – сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида халқаро шартномага асосланган ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ равишда тузилган давлатлар бирлашмаси.

- **Совғалар реестри** – ходимлар томонидан қабул қилинган ёки берилган совғалар тўғрисидаги маълумотлар рўйхати.

- **Учинчи томонлар** – корхонанинг бир қисми бўлмаган, лекин унинг фаолияти билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

- **Комплаенс хизмати** – Жамият даражасида COMPLAENCS функциясини ташкил қилиш учун масъул бўлган хизмат.

#### **4. Умумий қоидалар.**

4.1. Жамият ходимлари (кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) бизнесни ривожлантириш мақсадида совғаларни халқаро ва расмий тадбирлар (конференция, семинар, кўргазма, учрашувлар ва бошқалар)да бериши ёки олиши мумкин.

4.2. Ходимлар совғаларни олиш ёки беришда қуйидаги:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, ички тартиб қоидалар, меъёр, сиёсат ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши;

- совғаларни олиш ва бериш очик ва ошкора бўлиши;

- Жамият обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;

- шароит ва маҳаллий маданий хусусиятларга мос келадиган кўринишга эга бўлиши;

- манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги билан боғлиқ умумий талабларга риоя этишлари лозим.

4.3. Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари уларнинг қийматидан катъий назар, қуйидаги ҳолат (жараён)ларда:

- Жамият фаолиятида ва уларнинг манфаатларида қабул қилинадиган

қарорларга таъсир қилса;

- тендер ва танлов жараёнларида қатнашаётган контрагентлар билан бўлган муносабатларда;

- ҳамкорлар билан муносабатларда келиб чиққан ҳолатлар бўйича ҳар қандай текширувлар вақтида;

- ҳамкорлар билан низолар бўйича кўрилаётган суд жараёнлари вақтида;

- ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш ёки бажармаслиги эвазига олиш ёки бериш мумкин эмас.

4.4. Қийматидан қатъий назар қуйидагилар Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари сифатида олиш ёки бериш тақиқланади:

- миллий ва хорижий қонунчиликда тақиқланган буюм, ашё ва хизматлар;

- нақд пул, криптовалюта(рақамли активлар), қимматли қоғозлар, заргарлик буюмлар, қиммат баҳо металллар ёки бошқа пулга айлантириш мумкин бўлган қимматликлар;

- маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган санъат асарлари ва буюмлар;

- шахсий буюм (реклама мақсадида Жамият бренди туширилганлари бунданмустасно)лар ёки хизматлар (қимор ўйинлари, ахлоқий меъёрларга мос келмаган тадбирлар ва бошқа шунга ўхшаш бизнес ҳамкорликка алоқаси бўлмаган хизматлар);

- Совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилувчининг талаби бўйича ҳар қандай совға ва хизматлар.

4.5. Совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиш ёки тақдим этишда унинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 100 АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлмаса, розилик олиш талаб этилмайди.

Умумий қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 100 АҚШ долларида ортиқ эквивалентда бўлган ҳар қандай совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари қабул қилиш ёки тақдим этишдан олдин ёзма розилик олиш лозим.

Бунда, уларнинг қиймати:

- 100 АҚШ долларида 150 АҚШ долларигача эквивалентда бўлса, Комплаенс хизматининг хулосасига асосан ходимнинг тўғридан-тўғри раҳбари ёки ундан юқори даражадаги раҳбаридан;

- 150 АҚШ долларида 300 АҚШ долларигача эквивалентда бўлса, Комплаенс хизмати хулосасига асосан йўналиши бўйича жамият бош

директорининг ўринбосаридан;

- 300 АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлса, Комплаенс хизмати хулосасига асосан жамият бош директоридан розилик олинади.

Розилик олингандан сўнг, совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари қиймати (нархи), тури ўзгарган тақдирда, белгиланган тартибда қайта розилик олиш талаб этилади.

Қийматидан қатъий назар, ҳар қандай олинган ёки берилган совғалар алоҳида реестрларда рўйхатга олинади.

Бир молия йилида бир шахсдан(га) ёки ташкилотдан(га) 3 мартадан кўп совғаларни қабул қилиш ёки тақдим этиш мумкин эмас.

Давлат хизматчиларига совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини тақдим этиш махсус ваколатли давлат идоралари (органлари) томонидан кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

## **5. Совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиш ва бериш бўйича алоҳида қоидалар.**

5.1. Жамият ходими мазкур сиёсат талабларига риоя қилган ҳолда аввалдан ёзма розилик олиб, совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиши мумкин.

Агар уларни қабул қилишдан олдин розилик олишни имкони бўлмаса, қабул қилинган вақтдан 5 иш кунидан кечиктирмасдан, сабабларини кўрсатган ҳолда, юқоридаги тартибда розилик олиши талаб этилади.

Совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаган миқдорда бўлса, у ходим ихтиёрида қолдирилади.

Совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлса, совға Жамият балансига кириш қилинади.

Ходимга тақдим этилган тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар (табиий гулдаста, доналик ширинликлар) совға сифатида расмийлаштирилмайди ва улар ходим томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруф этилади.

Ходим ушбу сиёсат талабларига зид бўлган ҳар қандай Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари таклифларини рад қилиши шарт.

Агар, ходим олдиндан розилик олишни имкони бўлмаган ҳолда совғани қабул қилса, кейинчалик совға ва уни қабул қилиниши сиёсат талабларига зид деб топилса, совға қайтарилади.

5.2. Учинчи томонларга мазкур сиёсат талабларига риоя қилган ҳолда аввалдан ёзма розилик олиб, совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини тақдим этиш мумкин.

Ҳар қандай совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари олдиндан режалаштирилган ва тасдиқланган дастур асосида учинчи томонларга тақдим этилади.

Ҳар бир меҳмондўстлик харажатлари билан боғлиқ тадбирлар якунида қилинган харажатлар асослантирувчи ҳужжатлар (савдо чеклари, инвойслар ва бажарилган ишлар далолатномалари каби) илова қилинган ҳолда ҳисобот тузилиши лозим.

## **6. Сиёсат талаблари бузилиши тўғрисида хабар қилиш, текшириш ва жавобгарлик чоралари.**

6.1. Ҳар қандай шахс ушбу сиёсат бўйича маслаҳат олмоқчи ёки сиёсат талаблари бузилиши ҳолатлари бўйича хабар қилмоқчи бўлса, компаниянинг (71) 202-44-43 ишонч телефони, [compliance@alyansauto.uz](mailto:compliance@alyansauto.uz) электрон почта манзили ва [www.alyansauto.uz](http://www.alyansauto.uz) веб-сайти ҳамда “@alyansauto\_compliance\_bot” телеграмм мессенжери орқали Комплаенс хизматига мурожаат қилиши мумкин. Жамият сиёсат талаблари бузилиши ҳақида хабар қилган шахслар таъқибга учрамаслиги ва сўровига асосан шахси очиқланмаслиги кафолатланади.

6.2. Ходимлар томонидан ушбу тартиб-таомилларнинг бузилиши хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

## **7. Якуний қоидалар.**

7.1. Мазкур сиёсат талабларини амалга ошириш жараёни алоҳида ишлаб чиқилган “Тартиб” асосида олиб борилади.

7.2. Ушбу сиёсат Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсат ҳамда Харидлар низоми билан ҳамоҳангликда қўлланилади.